



ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ФРАНЦИЯДА ЛИСОНИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ

Исмоилов С.И.
СамДЧТИ доценти

Калит сўзлар: глобаллашув жараёни, давлат, миллат, миллий тил, лисоний меъёр, лисоний хавфсизлик/хавфлилик, хавфсизлик кафили.

Давлат, миллат, миллий тил тушунчаларининг пайдо бўлиши, ўзаро тарихий боғлиқлиги, бирининг хавфсизлигига таҳдид иккинчисининг заифлашишига ҳам олиб келиши каби масалалар илмий адабиётларда кенг ёритиб берилган масалалардандир. Миллат мулоқотининг асосий воситаси бўлмиш миллий тилни меъёрлаштириш омилларини ишлаб чиқиш, бу жараёнда содир бўлиши мумкин бўлган таҳдидларни бартараф этиш ва лисоний меъёрнинг тўлиқ шаклланишини мустаҳкамлаш масалалари ҳам олимлар томонидан етарлича талқин қилинган. Француз миллати тили меъёрларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш борасида француз давлатининг кафил бўлганлигида ҳам бундай ҳолат кўзга ташланади: Қирол Француз I нинг 1539 йил 15 августда машхур *l'Ordonnance de Villers-Cotterêts* буйруғига мувофиқ ҳамма расмий ҳужжатларда, иш ёзишмаларида ва суд ишларида фақат француз тилидан фойдаланиш шарт қилиб қўйилган эди. Француз тилини меъёрга солиш омилларининг аниқланганига, лисоний меъёрни бузиш ҳолатларининг бартараф этилганига, таҳдид объектларининг йўқ қилинганга сал кам беш юз йил бўлган бўлса-да, француз тилининг фонетик, орфографик, лексик, морфологик, синтактик меъёрлари тўлиқ тизимлаштирилган бир даврда ҳам лисоний меъёрга таҳдид хавфи сақланиб қолмоқдами, деган саволнинг пайдо бўлиши ғайри табиийдек туюлади.

Глобаллашув даврида маданиятларнинг ўзаро таъсири бир тил элементларининг бошқасига кириб бориши орқали содир бўлади. Маданий қийматга эга бўлган белгиларнинг тизими

сифатида тил, айти пайтда, идентификациялаш воситаси ҳамдир. Шу боисдан, ҳар бир миллат тилни ўз ижтимоий мансублигининг тимсоли деб билади. Бутун дунё шу тарзда иккига – тил, маданияти билан бирлашган ўз одамларига ва тил, маданиятни билмайдиган бегоналарга бўлинади. Бу жараёнда ҳар бир миллат ўзлигини йўқотмаслик ва маданиятини сақлаб қолиш учун мамлакат тилини ҳимоя қилиши муҳимдир. Чунки тил - тирик, узлуксиз ишлаб турадиган ва доимий равишда ўзгариб турадиган организмдир. Ҳар қандай мерос каби, тил ўз қадриятларини асрлар давомида авлоддан авлодга, отадан ўғилга, етказиб беради. У нафақат халқнинг маданиятини акс эттиради, балким ушбу маданиятнинг курули ҳамдир. Француз файласуфи Мишел Серреснинг (Michel Serres) сўзларига кўра, тил айсбергининг сувдан чиқиб турган қисмини йўқ қилиш бутун тилнинг йўқ қилинишига олиб келади. У француз миллий тилининг хавфсизлигини таъминлаш учун инглиз тили элементларидан воз кечишга даъват қилган ҳолда, лингвистик исённи қаттиқ туриб талаб қилади. Серрес инглиз тилидан халқаро тил сифатида фойдаланишни эмас, балки фақат асрлар давомида олимлар, мумтоз ёзувчилар томонидан лисоний меъёри шакллантирилган ва мустаҳкамланган француз тилининг бой луғат таркибига инглиз тилининг ҳаддан ташқари ўзича кириб боришини назарда тутади [5].

Глобаллашув грамматика, фонетика, лексиканинг асрлар давомида шакланган ва барқарор бўлиб қолган лисоний нормаларини бузиб, довулдай тиллар ичидан тез ўтиб боради. Академик



Патрик Ванье (Patrick Vanier) таъкидлашича, «бугунги кунда француз сўзлашув тилида 3000га яқин инглизча сўзлар қўлланади, бу 60000 мингдан иборат луғат захирасининг 2,5 % ни ташкил қилади. Француз тилини сақлаб қолиш борасида Француз Академиясининг асосий вазифаларидан бири товуш тизими, морфология, синтаксис меъёрларининг бузилишига йўл қўймасликдан иборатдир [2]. Француз адабий тили меъёрларининг заифлашиши, тўғри талаффуз ва орфографиядан четга чиқиш, телеканалларда, оммавий ахборот воситаларида, радиоэфирда сўзлашув тилига оид сўзлардан ва кўпол иборалардан атайлаб фойдаланиш, лисоний этик меъёрларнинг бузилиши, сўкиш лексикасига, жиноятга оид жаргон лексикага, ёшлар сленги лексикасига қўйилган тақиқни очикдан-очик менсимаслик каби ҳолатлар тилшуносларни асосли равишда ташвишга солмоқда. Ҳақиқатан ҳам, глобаллашув жараёнида одамларни Интернет бошқара бошлайди. Дунёнинг ҳар қандай бурчакларидан келган ахборот оқими уларни камраб олади. Ижтимоий тармоқлар уларни чексиз ва саводсиз мулоқот дунёсига олиб боради. 2014 йил ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, аҳолининг 90% ижтимоий тармоқлардан фойдаланадилар ва бир суткада 5 соатдан кўпроқ вақтни у ерда ўтказадилар. Бу вақт оралиғида улар мунтазам равишда тил меъёрини бузадиган қисқартма сўзларга, ёшлар сленгига, америкача сўзларга, тиниш белгиларининг йўқлигига юзма-юз келадилар. Масалан, инглиз тили таъсирида француз синтаксисининг ўзгариши: *C'est juste pas possible.* - қоида бўйича *Ce n'est tout simplement pas possible* тарзида гапириш керак. Донорликка бағишланган интернет-сайтнинг *BeADonor* французча версияси *Soyez Un Donneur* гапининг сўзма-сўз таржимаси орқали бўлади. Тўғри таржима *Devenez Donneur* шаклида бўлган бўларди [2]. *Коммент, френд* каби сўзлар француз тилига айнан ижтимоий тармоқлар орқали инглиз тилидан кириб келганлиги

манбаларда қайд этилган [7]. Демак, глобаллашув инсонни хабардор қилиб турадиган ахборот оқими ҳам, буюк ёзувчилар томонидан меъёрга солинган тилни ичкаридан ўпириб кетадиган оқимларга ҳам эшикни очиб беради.

Юқоридаги барча маълумотлар ҳар қандай тилнинг, шу жумладан меъёрга солинган француз тилининг ҳам поклиги учун хавф туғдиради. Бу ҳолат замонавий жамиятнинг унга нисбатан муносабати ҳалокатли эканлигини исботлайди. Давлат бу ҳолатни эътиборсиз қолдириши мумкин эмас. Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида миллий тилнинг роли пасайиши кузатиладики, бу унинг бутунлигини мустаҳкамлашда хавф туғдиради. Инглиз тилининг машхурлиги уни жаҳон тили ўрнига олиб боради. Инглиз тили биринчи универсал жаҳон тили бўлади. Натижада, ҳар бир мамлакатда миллий адабий тилнинг жаҳон тилига муқаррар равишда қарама-қаршилиги вужудга келади. Биринчисининг ҳимоячиси давлат бўлади, унинг асосий қуроли “тил сиёсати”дир. Н.С.Кузнецов “тил сиёсати” қўйидаги таърифни беради: «Бу давлат, давлатларнинг бирлашмаси, нуфузли давлат муассасалари ва маданият намояндалари томонидан тилни, тилларнинг гуруҳини, лисоний ёки мулоқот муҳитини сақлаб қолиш ёки ўзгартириш учун амалга ошириладиган чоралар тизимидир» [6]. Хавф мавжуд экан, уни камайтиришга манфаатдор давлат ҳам мавжуд; демакки, воситачи ролини ўйнайдиган, яъни бундай хавфга мустақил равишда тўқнаш келадиган ва унга қарши турадиганлар ҳам мавжуд бўлади. Хавфсизликнинг кафиллари шундай ҳаракатлантирувчи кучдир. Ҳозирги даврда давлат ҳокимияти, тил сиёсатининг бошқа субъектлари, жумладан, жамоат ташкилотлари, ҳаракатлар ва партиялар, турли соҳадаги тил муассасалари, масалан, Француз академияси (l'Académie Française), лингвистик йўналишлар ва мактаблар; миллий маданиятнинг нуфузли арбоблари лисоний хавфсизлик кафиллари ролини



бажариши мумкин. Давлатнинг мутлак юрисдикциясига тил қонунчилиги киради.

Тилни қонунчилик жараёни орқали тартибга солиш зарурлиги ҳақидаги масала давлат, миллат ва миллий тил тушунчаларининг узвий боғлиқлиги масаласи билан ҳамоҳангдир: агар тил давлат ва миллий идентификацияни ифодаласа, тилнинг йўқотилиши давлат ва миллий мансубликнинг йўқотилиши бўлиб ҳисобланиши мумкин. Айниқса мамлакатнинг конституциясида 1992 йилга қадар француз тилининг давлат тили тўғрисида ҳеч қанақа ёзув бўлмаганлиги, яъни француз тилининг мавқеи ҳақидаги масала ҳам французларнинг ҳақиқий ташвишига сабаб бўлади. Шу боисдан, Францияда миллий тилни қўллаб-қувватлаш бўйича турли тадбирлар ишлаб чиқила бошланди. Масалан, Францияда француз тилини хорижий тил таъсиридан ҳимоя қилиш ва унинг ўзига хослигини сақлаб қолишга мўлжалланган қарорлар ишлаб чиқилди. Улар орасида 1994 йил 4 августдаги қонун алоҳида ўрин эгаллайди. Бу қонун француз қонунчилигининг тарихига уни ишлаб чиққан шахс – Франциянинг собиқ маданият вазири Ж.Тубон номи билан кирди [9]. Тубон қонуни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини, хусусан иш, бандлик ва корхоналар фаолияти соҳасини батафсил тартибга солиб турди, таълимда ва оммавий ахборот воситаларида француз тилининг мавқеини аниқ белгилаб берди; шунингдек, радио ва телевидениеда француз тилидаги кўшиқлар ва ижрочилар учун квоталар жорий этилди. Масалан, Леотар қонунига (loi Leotard) киритилган тузатишнинг 12-моддасида шундай дейилади: «...француз ва француз тилида сўзлашадиган муаллифлар ва артистлар томонидан яратиладиган ва ижро этиладиган мусиқа асарларининг нисбати француз тилидаги кўшиқларнинг камида 40 % га етиши, ҳеч бўлмаганда, уларнинг ярми янги асарлар ёки янги истеъдодлар томонидан ижро этиладиган кўшиқлар бўлиши керак. Телевидение ва радиоэшиттиришнинг Олий кенгашидан эстрада мусиқасига бағишланган

дастурларда эфирга узатишга руҳсат олган ҳар бир радиоэшиттирувчи томонидан ушбу асарлар тинглаш учун энг қулай вақтда тарқатилади» [8]. Ж. Ширак даврида Париж мэри томонидан унинг амалга оширилиши инглиз тилидаги ҳамма ёзувларнинг Париж кўчаларидан олиб ташланишига олиб келди; ҳатто инглиз фирмаларининг номлари ҳам француз тилига таржима қилинди.

Бироқ француз тилини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш муаммоси французларни олдин ҳам хавотирга солган эди. 1970-1980 йиллари инглиз тилининг Францияда кенг тарқалиши жамият томонидан миллатнинг она тилини йўқотишига таҳдид сифатида қабул қилинган эди. 1975 йили қабул қилинган Ба-Лориол қонуни, Франциянинг энг янги тарихида биринчи марта француз тилининг нафақат маъмурий давлат фаолиятидаги ҳуқуқий муносабатларда, балки жамиятда, жамият ҳаётидаги ҳуқуқий муносабатларда ҳам кенг қўлланиш соҳаларини белгилаб берди. Қонунда барча ёзма ва оғзаки рекламада, меҳнат шартномаларида, ишга таклиф бўйича эълонларнинг босма нашрларида, мулк ва хизматларга оид шартномаларда, жамоат жойларидаги ёзувлар, ҳисоблар ва қвитанцияларда, радио ва теледастурлар тўғрисидаги ҳар қандай ахборотда француз тилининг мажбурий қўлланиши тўғрисида бир қатор қоидалар мавжуд. 1972 йилдаги «Француз тилини бойитиш тўғрисидаги Фармон»га мувофиқ, қонун французча муқобили мавжуд бўлганда, қайсидир хорижий атамадан ёки иборадан фойдаланишни тақиқлаган. Боз устига, қонунда унинг қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини олган давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларига субсидиялар берилиши назарда тутилган, аммо ҳар қандай қоидабузарлик учун улар бундай субсидиядан маҳрум қилиниши белгилаб қўйилган эди.

Француз давлати амалга ошираётган тил сиёсати, аксарият ҳолларда, глобаллашув даврида вужудга келадиган хавфсизликнинг шахсий, миллий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий,



экологик, ахборот, ҳарбий, халқаро каби кўплаб турлари қаторида *лисоний хавфсизликни* таъминлашга қаратилган сиёсатдир. Демак, халқлар ўртасидаги турли хил глобал коммуникатив ва маданий алоқалар, халқлар ва мамлакатларнинг ўзига хосликни сақлаб қолишга нисбатан ошиб бораётган интилиши, геополитик курашда бу тенденциялардан фойдаланиш шахс ва давлатнинг лингвистик хавфсизлиги долзарб муаммосининг пайдо бўлишига олиб келади. Унинг асосида мамлакатнинг тизимли умумийлигини сақлаб қолишни ва давлат, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, этник, маданий-тарихий ва бошқа белгиларнинг мустақил ҳаётийлигини ривожлантиришни таъминлаш ётади [3: 65].

Хавфсизлик деганда ички ва ташқи омилларнинг таъсири тизимнинг ёмонлашишига ёки унинг ишлаши ва ривожланиши мумкин эмаслигига олиб келмайдиган пайтда мураккаб тизимнинг ҳолатини тушунадилар. Хавфсизлик – бу шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини потенциал ва реал мавжуд бўлган таҳдидлардан муҳофаза қилиш ҳолатидир. Тил, шубҳасиз, шахснинг ҳам, жамиятнинг ҳам, давлатнинг ҳам манфаатларига мос келади, демакки, хавфсизликка муҳтож. Тил муҳитини фаол ҳимоялаш ёки “тил хавфсизлиги” Франция миллий хавфсизлигининг муҳим аспектидир. Бу турдаги хавфсизликнинг ўзига хослиги тўғри француз тили орқали сақлаб қолинадиган унинг махсус предмети билан белгиланади. Ушбу предмет – миллий ўзлик ёки халқнинг ўзига хослигидир, яъни халқнинг ўз тарихини тўғри тушуниш ва давом эттириш, миллий ўзига хосликни ва ташаббускорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш, бегона сўзларга берилиб кетишга йўл қўймаслик қобилятининг ўзидир. Демак, давлатнинг миллийлиги, унинг ўзига хослиги тил хавфсизлигини таъминлашга боғлиқдир.

Лисоний хавфсизлик – илмий адабиётлар ҳали батафсил таърифланмаган, нисбатан янги тушунча. Шу боисдан, «лисоний хавфсизлик» мавзу-

сида ёзилган ишларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. «Лисоний хавфсизлик/хавфлилик» ҳодисаси биринчи бор канадалик олим, психология соҳаси бўйича мутахассис Уоллес Ламберт ишларида тилга олинади. Ўтган асрнинг 60-йилларида у шахснинг лисоний онгини тадқиқ қилиш жараёнида ушбу ҳодисага эътибор қаратади. Бироқ Ламберт уни алоҳида ўрганмаган. Кейинчалик америкалик тилшунос Уильям Лабов ва унинг АҚШ ҳамда Европадаги издошлари ушбу тушунчани ўрганадилар. Ижтимоий табақаланишнинг идиостилга таъсири ҳақидаги ишида, Лабов биринчи бор «лисоний хавфсизлик/хавфлилик» тушунчасидан фойдаланади. Тилшунос Николь Гёнье биринчи бўлиб Лабов назариясини француз тилида қўллаган. Бир нечта давлат тиллари биргаликда муваффақиятли тарзда мавжуд бўлган швейцариялик тилшунос Паскал Сингини ҳам эслаб ўтиш жоиздир.

Аслида бу мавзу бўйича жуда кўп ишлар ёзилган. Масалан, Е.С. Гриценконинг сўларига кўра, лисоний хавфсизлик тушунчаси кўпинча миллий хавфсизлик, ахборот хавфсизлиги, тил суверенитети ва тил сиёсати муаммолари контекстида муҳокама қилинади [4: 9-11]. Биз учун энг қизиқарлиси – бу белгиялик тилшунос Мишел Франкарнинг тадқиқоти ва ишида берган таърифидир. Франкар ўз тадқиқотида, аслида, олдинги барча ишларни синтез қилган: «*L'insécurité linguistique est la prise de conscience, par les locuteurs, d'une distance entre leur idiolecte (ou leur sociolecte) et une langue qu'ils reconnaissent comme légitime parce qu'elle est celle de la classe dominante, ou celle d'autres communautés où l'on parle un français « pur », non abâtardi par les interférences avec un autre idiome, ou encore celle de locuteurs fictifs détenteurs de la norme véhiculée par l'institution scolaire*» [1: 171-172].

Лингвистик хавфлилик/хавфсизлик - гапирувчилар томонидан уларнинг идиолекти (ёки социолекти) ва ўзлари норматив сифатида қабул қиладиган тил ўртасидаги фарқларни англаб олишдир. Таърифда



ижтимоий синфлар ўртасидаги ўзига хос лингвистик конфликт социолингвистик аспектда изоҳланади. Синфлардан бири бошқасининг босими остида бўлиши, бир тил соҳибларининг бошқа тил соҳибларига таъсири, яъни тили муайян ҳудудда доминант бўлмаган кишилар «лингвистик хавфлилик» туйғусини ҳис қиладилар ва ўзларининг сўзлашув манераси бу ҳудуддаги меъёрий тилдан узоқлигини сезадилар. Лингвистик хавфсизлик таълимга, ўқиш жараёнида шахс эришган тилни билиш даражасига, лисоний меъёр тўғрисидаги унга сингдирилган тушунчаларга ва бу тушунчалар унинг лисоний меъёрийликни шахсан қандай тушуниб етишига боғлиқ бўлиши билан кўрсатилади.

Умуман олганда, лисоний хавфсизликнинг мақсади ижобий лингвистик жараёнларни амалга ошириш, хавфли лингвистик жараёнларни зарарсизлантириш ва уларни ижобийларга айлантириш ҳамда хавфли лингвистик жараёнларнинг олдини олиш ва йўқ қилишдан иборатдир. Демак, лингвистик хавфсизлик давлат тилининг бошқа тиллар билан ўзаро алоқада турғун ривожланишини таъминлайдиган омилларнинг, давлат томонидан қабул қилинадиган чораларнинг, ижтимоий ҳодисаларнинг мажмуини англатади. У бирлаштирувчи омил ва жамият ҳолатининг кўрсаткичи сифатида муҳим роль ўйнайди.

Лисоний хавфсизлик лингвистик адабиётда учрайдиган «лисоний режалаштириш», «инсоннинг лисоний ҳукуқи», «лингвистик бағрикенглик», «лингвистик уйғониш», «лингвомаданиятшунослик», «лингвистик протекционизм», «социолингвистика», «лисоний қобилият», «лисоний хилма-хиллик», «тилшунослик сиёсати», «лингвистик ривожланиш», «лингвистик ўз-ўзини идентификациялаш», «лингвистик методология», «тил экологияси», «тил иерархияси» каби тушунчалар билан бевосита боғлиқ [3: 66].

Демак, француз тилида “лингвистик хавфсизлик” – бу шахс ёки бир гуруҳ

шахслар гапирадиган тил ё асосий бўлмаган, ё асосий (лингвистик хавфсизликни сезишда) бўлган шароитларда, у ёки улар томонидан сезиладиган туйғудир. Бу ҳолат ўз тилидан фойдаланганда мос равишда ишончсизлик ёки ишонч ҳиссини туғдиради. Боз устига, француз тилида «лингвистик хавфсизлик» атамаси ҳам, «лингвистик хавфлилик» атамаси ҳам қўлланади. Бу атамаларнинг мазмун кўламини аниқлаш мақсадида, биз «sécurité» ва «insécurité» сўзларининг семантик таҳлилини амалга оширишга қарор қилдик. Француз тилида la sécurité, англатади:

1) Situation dans laquelle quelqu'un, quelque chose n'est exposé à aucun danger, à aucun risque, en particulier d'agression physique, d'accidents, de vol, de détérioration – бирор кимса ёки бирор нарса хавфда, хатарда, жисмоний тажовузда қолмайдиган шароитлар: Protection et sécurité des petits Etats- Кичик давлатларнинг ҳимояси ва хавфсизлиги

2) Situation de quelqu'un qui se sent à l'abri du danger, qui est rassuré- Шахс ўзини хавф-хатардан панада ҳис қиладиган, у хотиржам, ишончи комил бўлган шароитлар: Maintenant vous êtes en sécurité – Энди сиз хавфсизсиз.

3) Absence ou limitation des risques dans un domaine précis – муайян соҳада хавф-хатарнинг йўқлиги ёки чегараланганлиги: Ils cherchaient de la sécurité matérielle. – Улар моддий хавфсизликни истардилар [7].

Хавфлилик сўзи, l'insécurité:

1) Etat d'un lieu qui n'est pas sûr, qui est soumis à la délinquance ou à la criminalité – муайян жой хавфли, жиноятларга мойил бўлган ҳолат: L'insécurité qui règne dans certaines banlieues. – Шаҳар аторфидаги баъзи поселкаларда ҳукронлик қилаётган жиноят. Баъзи чекка жойларнинг тинч-хотиржам эмаслиги.

2) Sentiment de vivre dans un environnement physique ou social favorisant les atteintes aux personnes et aux biens – шахсга ёки унинг мулкига суиқасдга имкон туғдирадиган жисмоний



ёки ижтимоий атроф-муҳитда яшаш хиссиёти: Le sentiment de l'insécurité le poursuivait – Хавф-хатар туйғуси унга тинчлик бермасди.

3) Etat de quelque chose qui est instable, précaire – Бирор нарсанинг хавфсиз, мустаҳкамлиги шубҳали ҳолати: L'insécurité de l'emploi. – Ишни йўқотишдан кўрқиш. Ишнинг ишончсизлиги [7].

«Sécurité» сўзи каби, латин тилидаги «securitas» (хавфсизлик, хотиржамлик) сўзидан келиб чиққан «sûreté» сўзини ҳам кўриб чиқайлик. Бу икки сўз қисман синонимлардир, аммо «sûreté» нисбатан кўп маъноли бўлиб, ўз таркибига яна «ишонч, ишончилиқ, чидамлилиқ, аниқлик» каби маъноларни ҳам киритади.

1) Etat de quelqu'un ou de quelque chose qui est à l'abri, n'a rien à craindre - Панада жойлашган бирор кимса ёки бирор нарсанинг ҳеч нарсадан кўркмайдиган пайтдаги ҳолати: Prendre des précautions pour sa sûreté – ўзининг хавфсизлигини таъминлаш учун чора-тадбирлар кўрмоқ.

2) Caractère précis, efficace de quelqu'un ou de quelque chose, sur lequel on peut compter d'une façon certaine – Бир кимсанинг ёки бирор нарсанинг унга ишонишга имкон берадиган аниқлиги, самарадорлиги: Mémoire d'une sûreté absolue. – Феноменал хотира / Панд бермайдиган, ишонса бўладиган хотира.

3) Dispositif de protection – Эҳтиёт чоралари: Il a mis deux sûretés à sa porte, un verrou et une chaîne. – У, эшикни кулфлаб ва занжирлаб ёпиб, эҳтиёт чораларни кўрди [7].

Хулосада шуни таъкидлаш керакки, лингвистик хавфсизлик мамлакатнинг муваффақиятли ривожланиши учун зарурий шартдир, унинг ўзига хослигини сақлаб қолишнинг кафолатидир. Францияда қабул қилинган Қонунларга мос келиши/мос келмаслиги кўзгусида инглиз тилидан француз тилига кириб келган сўзларни, атамаларни тадқиқ қилиш, кўп жиҳатдан, лисоний хавфсизликни таъминлашнинг назарий асосини ташкил қилиши мумкин.

Адабиётлар

1. Bulot T., Blanchet P. Une introduction à la sociolinguistique: Editions des Archives Contemporaines, 2011.
2. Cziffra M. Franglais et anglicismes: quand le français se met à parler anglais II Электронный ресурс Интернет: <http://w.vw.slate.fr/story/69533/francais-anglais-angliscismes-franglais>
3. Грицко М.И. Лингвистическая безопасность - один из факторов безопасности многонациональной России И Идеи и Идеалы. — 2011. — Т.1.- №3.
4. Гриценко Е. С. Язык и безопасность в контексте глобализации. Власть, 2011.№ У.С. 9-11.
5. Huguenin F. Les anglicismes: pas toujours cool... - n°50 – La Newsletter VR2.
6. Кузнецов С.Н. Языковая политика и языковое планирование //Электронный ресурс Интернет: http://genhis.philol.msu.ru/article_195.shtml
7. Larousse-dictionnaire de français И Электронный ресурс Интернет: <http://www.larousse.fr/dictionnaires/francais>
8. Loi n°86-1067 du 30 septembre 1986 DITE LEOTARD RELATIVE A LA LIBERTE DE LA COMMUNICATION И Электронный ресурс Интернет:http://w.vw.legifrance.gouv.fr/affichTexte.do;jsessionid=E19849C6B3FFA1C681DC608B3254C6FB.tpdjo_17v_2?cidTexte=JORFTEXT000000512205&categorieLien=id
9. Об употреблении французского языка: закон Франции № 94-665 от 04.08.1994 И Понкин И.В. Законы Франции и Польши о защите языков // Нравственные императивы в праве. № 3. М., 2012.



Исмоилов С. Меры обеспечения лингвистической безопасности в процессе глобализации во Франции. В данной статье определяется законодательная деятельность французского государства в сфере обеспечения лингвистической безопасности французского национального языка в процессе глобализации, анализируются существующие суждения, высказанные по поводу понятий лингвистической безопасности/ опасности, дифференцируются семантическое содержание понятий *sécurité, insécurité, sûreté*.

Ismoilov S. Measures of providing of the linguistic safety in the process of globalization in France. In this article we define the legislative activity of the French state to ensure the linguistic safety of the French national language in the process of globalization, In this article, analyze the opinions expressed on the concepts of linguistic danger / safety, differentiate the scope of the notions of opacity / security or confidence (*sécurité, insécurité, sûreté*).
